

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАБАЕВ ДИЛШОТ ХУСАИНБАЕВИЧ

**ТУРОН ПЛАТФОРМАСИ ШАРҚИЙ ҚИСМИ БИЛАН ТЯНЬ-ШАНЬ
ОРОГЕН СТРУКТУРАЛАРИ ОРАСИДАГИ ЗОНАЛАР ЕР ПЎСТИ
ТУЗИЛИШИНING ГЕОЛОГО-ГЕОФИЗИК МОДЕЛИ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК:550.83/.84:622.323:553:550.34 (584.4)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Атабаев Дилшот Хусаинбаевич Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги зоналар ер пўсти тузилишининг геолого-геофизик модели.....	3
Атабаев Дилшот Хусаинбаевич Геолого-геофизическая модель строения земной коры зоны сочленения восточных окраин Туранской платформы с орогенными сооружениями Тянь- Шаня.....	23
Atabayev Dilshot Husanbaevich Geological-geophysical model of the structure of the Earths crust of the eastern edge of the Turanian platform with origened Tien-Shan structures.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАБАЕВ ДИЛШОТ ХУСАИНБАЕВИЧ

**ТУРОН ПЛАТФОРМАСИ ШАРҚИЙ ҚИСМИ БИЛАН ТЯНЬ-ШАНЬ
ОРОГЕН СТРУКТУРАЛАРИ ОРАСИДАГИ ЗОНАЛАР ЕР ПЎСТИ
ТУЗИЛИШИНING ГЕОЛОГО-ГЕОФИЗИК МОДЕЛИ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/GM24 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.isas.uzsci.net) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Долгополов Феликс Геннадьевич
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Юсупов Шухрат Сакиджанович
геология-минералогия фанлари доктори

Садикова Лола Ренатовна
геология-минералогия фанлари доктори

Ходжиметов Алиназар Ирисметович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Тошкент Давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Сейсмология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 й. 30 июл соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Тел. +99871- 241-51-70; +99871-241-74-98; E-mail: seismologiya@mail.ru)

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (рўйхатга олиш рақами № 394). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел. +99871- 241-51-70.

Диссертация автореферати 2020 йил «17» июл куни тарқатилди.
(2020 йил «24» июн даги «1» рақамли реестр баённомаси).



К.Н. Абдуллабеков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
академик, ф.-м.ф.д.

Л.А. Хамидов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

С.Х. Максудов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти. Жахонда нефть ва газ конларини қидиришдаги илмий тадқиқотлар тажрибасида геологик-геофизик маълумотларни замонавий геоинформацион технологияларни қўллаб ҳудудларнинг геологик тузилишини янги нуқтаи назаридан келиб чиқиб прогноз қилиш долзарб ҳисобланади. Нефть ва газ конлари захиралари мавжуд бўлган - АҚШ, Япония, Хитой, Марказий Осиё республикалари, Россия каби мамлакатларда ишончли геологик-геофизик моделларни ишлаб чиқиш ва янги углеводород конларини прогнозлаш бўйича қарорлар қабул қилиш мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омил деб қаралади. Нефть ва газ конлари захиралари мавжуд бўлган - АҚШ, Япония, Хитой, Марказий Осиё республикалари, Россия каби мамлакатларда ишончли геологик-геофизик моделларни ишлаб чиқиш ва янги углеводород конларини прогнозлаш бўйича қарорлар қабул қилиш мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омил деб қаралади. Шу туфайли Ер ости нефть ва газ захиралари мавжуд ҳудудларда углеводород конларини прогнозлаш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилади, бу йўналишда Давлат миқёсида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Бугунги кунда дунёда янги углеводород конларини қидириш ишлари доирасида геология-геофизиканинг генезисли жараёнларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан очилган конларни казиб олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш; нефть ва газ захиралари мавжуд ҳудудларнинг геологик тузилишини чуқур таҳлиллаш; Ер пўстининг эволюциясини тўлиқ баҳолаш. Уларнинг ечимини топиш ернинг ҳозирги даврдаги ривожланиш жараёнлари оқибатида нефть ва газ захиралари мавжуд ҳудудлардаги геологик-геофизик майдонларда ҳосил бўлувчи турли ўзгаришларни узоқ ва ўрта муддатли истиқболда прогноз қилиш билан боғлиқ геофизиканинг энг муҳим амалий вазифаларини илмий-асосланган ҳолда ҳал қилиш учун қулай шароитлар яратади.

Мамлакатимизда углеводород конларини аниқлаш ишларида геолого-геофизик кузатувлар тармоғи ва захираларни баҳолашнинг прогностик мониторинг тизимини янгилаш бўйича муайян илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, илк бор зилзилада ҳосил бўладиган алмашунувчи тўлқинлар усули яратилган ва шу асосда геолого-разведка ишлари жадаллаштирилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал ресурслардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлаш...»¹ бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

Бу борада республикамизнинг платформа қисми билан шарқий Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги зоналарнинг ер пўсти тузилишини геолого-геофизик моделлаштиришга ҳамда сейсмологик профиллар бўйича консолидацияланган Ер пўсти юзаси, палеозой қатлам чегараларининг жойлашиш характери ва сейсмик тезликларини ишончли баҳолашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Президент Фармони, 2017 йил 28 сентябрдаги «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотларни ишлаб-чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2614-сонли Президент Қарори ва 2017 йил 3 ноябрдаги «2017-2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш Дастурининг биринчи амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3373-сонли Президент Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика ва технологиялар ривожлантириши VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ер пўсти ва юқори Мантияни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий илмий-таълим муассасаларида, жумладан: Мемориал университетининг Ер ҳақидаги фанлар бўлими (Канада), Atlas Geophysics (АҚШ), «В.В.Фединский номидаги регионал геофизикавий ва геоэкологик тадқиқотлар маркази ГЕОН» Федерал Давлат Унитар Корхонаси (Россия), Россия Фанлар Академияси О.Ю.Шмидт номидаги Ер физикаси институти (Россия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ғ.О.Мавлонов номидаги Сейсмология институти (Ўзбекистон), Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти (Ўзбекистон), «Ўзбекгеофизика» Акционерлик жамияти (Ўзбекистон), Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетларида олиб борилмоқда.

Жаҳонда регионал геофизик жараёнларни намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотларда қатор илмий натижалар олинган, жумладан: регионал геофизик изланишлар ва Ер пўстининг чуқурликдаги тузилишини юқори даражада ўрганиш учун АҚШ ҳудуди ер пўстини комплекс ўрганиш услуги яратилган (Atlas Geophysics

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://csegrecorder.com/articles/view/atlantic-rifted-margin-studies-from-the-edge-geophysical-research-at-memori>; <http://earthquake.usgs.gov>; <http://sos.noaa.gov>; <http://www.bgs.ac.uk>; <https://www.elsevier.com>; <https://www.researchgate.net> ва бошқа маълумотлар

Мемориал Университетининг Ер ҳақидаги фанлар бўлими, Канада); зилзила билан «биргаликда» рўй берувчи йирик техноген ва табиий ҳалокатларни ўрганишда қўлланилувчи зилзилалардан ҳосил бўлган алмашинган тўлқинлар усули (ЗТАУ) технологияси яратилган («В.В.Фединский номидаги Регионал геофизикавий ва геоэкологик тадқиқотлар маркази ГЕОН» Федерал Давлат Унитар Корхонаси, Россия); Шимоли-Шарқий Евроосиёнинг Ер пўсти ва юқори мантиясининг чуқурликдаги тузилиши модели ишлаб чиқилган (Россия Фанлар Академияси О.Ю. Шмидт номидаги Ер физикаси институти, «В.В.Фединский номидаги Регионал геофизикавий ва геоэкологик тадқиқотлар маркази ГЕОН» Федерал Давлат Унитар Корхонаси, Россия); чуқур геологик-геофизик профиллар тўрининг ривожланиши натижасида бир қатор хорижий ва маҳаллий илмий Марказларда Ер пўстининг остки чегараси аниқланган (Мемориал университети Ер ҳақидаги фанлар бўлими, Канада, Россия Фанлар Академияси О.Ю.Шмидт номидаги Ер физикаси институти, Россия); Ер пўстининг асосий қатламларини ажратиш, алоҳида ҳудудлар учун хариталар ишлаб чиқилган (Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти Давлат Корхонаси, «Ўзбекгеофизика» Акционерлик жамияти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Ҳозирги кунда жаҳонда геофизиканинг қатор устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: сейсмологик профиллар асосида Ер пўстининг остки чегарасини аниқлаш; палеозой қатламларининг морфологияси ва табиатини баҳолаш; геозичлик моделларини куриш; нефть-газ структуралари учун истиқболли аномалия ҳосил қилувчи объектларни ажратиш ва углеводород қатламлари шаклланиши мумкин бўлган Ер қатламларни прогноз қилиш бўйича эксперт тизимларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта Осиё ҳудудининг чуқурликдаги геологик тузилишини геофизик усуллар билан тадқиқ этишнинг фундаментал асоси бўлиб геолого-геофизик параметрлар ўзгаришини эффектив баҳолаш (Д.В.Наливкин, В.А.Николаев, Д.И.Мушкетов, В.И. Попов, А.В.Пейве, В.В. Белоусов, Г.А.Гамбурцев, Б.П.Бархатов, И.Х.Хамрабаев, О.М.Борисов, Т.Н.Долимов, К.Н.Абдуллабеков, С.Х.Максудов) ҳисобланади.

Тянь-Шань ва Помирнинг тектоникаси ҳақида ишончли маълумотлар тўплаш бўйича Д.В.Наливкин (1926), В.А.Николаев (1933), Д.И.Мушкетов (1936), В.И. Попов (1938), А.В.Пейве (1938), Б.П.Бархатов (1963) ва бошқалар умумлашган регионал тадқиқотлар ўтказишган. Қитъаларнинг Ер пўсти ва юқори мантияси ҳолатини баҳолаш ишлари умумий тектоник ҳолатлардан келиб чиқиб баҳоланган (В.В.Белоусов).

Ўзбекистон ҳудудида Ер пўстининг чуқурликдаги тузилиши тадқиқ этилган; Ўзбекистон ҳудуди Ер пўстининг чуқурликдаги тузилишини (И.Х.Хамрабаев) аниқланган; Ер пўстининг қатламли-блокли ва қатламли-бир жинсли бўлмаган модели (Ф.Х.Зуннунов) ишлаб чиқилган; Ўрта Осиёнинг Ер пўсти ва юқори мантияси ҳолати ўрганилиб, Помир ва Тянь-Шаннинг литосфераси (И.Х.Хамрабаев, Р.Б.Баратов ва бошқ) ажратишиб эволюцион

геология (Т.Н.Далимов, В.И.Троицкий) асосланган; литосфера геодинамикаси ва нефтгаздорлиги (Г.С.Абдуллаев ва Ф.Г.Долгополов), ҳамда Тянь-Шаннинг ер ёриқлари тектоникаси (Л.Н.Лордкипанидзе) ўрганилган. Ҳозирги вақтда геофизика мактаби ютуқлари жаҳон геология фанида муносиб ўрин эгаллайди.

Сўнгги йилларда жаҳонда зилзила тўлқинларининг алмашинув усулини қайд қилиш, ер пўсти чегараларини ажратиш ва интерпретация қилишнинг такомиллаштириб келинаётган P-receiver function (PRF) усули (Л.П.Винник, С.А.Лангстон, Г.Л.Косарев ва бошқалар) муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Бу усул ёрдамида Ернинг 800 км гача чуқурликдаги тузилишини ўрганиш имкони яратилган.

Диссертацияда бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг фаолияти билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ОТ-А14-05 «Уч каналли автоном рақамли сейсмик станцияни яратиш» амалий гранти доирасида ва «Ўзбекгеофизика» Акционерлик Жамиятининг регионал сейсморазведка ишларини ўтказиш дастуридаги «Ўрта Сирдарё депрессиясининг жанубий ва жануби-ғарбий қисми, Тўхтатау ботиқлиги, Орумбай кўтарилмалар тизими ва Турон плитасининг Тянь-Шань ороген структуралари билан уланган соҳаларини замонавий геологик тасаввурларга асосан юра давригача бўлган ётқизиқларининг нефтгаздорлиги истиқболларини ўрганиш» каби амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геофизик маълумотларнинг комплекс таҳлиллаш асосида Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги ҳудудлар Ер пўсти тузилишининг геолого-геофизик моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сейсмологик профиллар бўйича Мохоровичич юзаси, консолидацияланган Ер пўсти юзаси, палеозой пойдевори юзасининг ётиши характери, унинг дислокацияси ва сейсмик тезликларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

чўкинди қоплама остидаги Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги зоналар палеозой пойдеворининг тектоник тузилишини батафсил таҳлил қилиш;

Ер пўстининг петрофизик хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда геозичлик моделларини куриб уни самарали ишлашини таъминловчи геолого-геофизик параметрларни аниқлаш;

кўмилган пойдеворнинг чуқурликдаги тузилиши ва унинг ҳозирги рельеф билан боғлиқлигини ўрганиш учун геоморфологик ҳолатлар билан солиштириш;

Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги ҳудудларнинг геологик тузилиши ва эволюцияси ҳақида замонавий тасаввурларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги ҳудудлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети: худуднинг геологик, структуравий ва тектоник хусусиятлари, геофизик майдонлари, регионал ва локал дарзликлар соҳалари, геологик-геофизик маълумотларни таҳлил ва талқин қилиш ҳамда геозичликни моделини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги зоналари бўйича мавжуд барча маълумотларни умумлаштириш ва интерпретациялаш, зилзилалардан ҳосил бўлган алмашинган тўлқинларни қайта ишлаш асосида гравитация ва сейсмик майдонларнинг табиатини таҳлил қилиш, чуқурлик тузилишини аниқлаш ва регионал дарзликлар соҳаларини ажратиш; сейсморазведка, Ер пўстидаги локал дарзликлар соҳаларини аниқлаш; нефть ва газга истиқболли структураларни прогнозлаш учун геофизика ва бурғилаш маълумотларини комплекс интерпретациялаш усули қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги зоналари учун Мохо ва консолидацияланган Ер пўсти юзаси, палеозой пойдевори юзасининг чуқурликлари, ётиш характери, сейсмик тезликлари аниқланган;

Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороген структуралари орасидаги зоналари чуқурлик тузилишини ўрганиш учун, геозичлик моделлаштириш ва зилзила тўлқинларининг алмашинув усули маълумотларини комплекс интерпретациялашга асосланган янги услуб яратилган;

илк бор тадқиқот худудининг геозичлиги модели қурилган ва нефть-газ учун истиқболли аномалиялар вужудга келишига мойил ётиш чуқурлигига боғлиқ бўлмаган структураларни ажратувчи аномал зич ҳамда зичлиги паст геологик жисмлар боғланиш жойларининг батафсил тафсифи олинган;

геоморфологик таҳлил ва неотектоник ҳодисаларни реконструкция қилиш асосида Турон платформасининг шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структуралари орасидаги зоналарининг чуқурлик тузилиши ва ҳозирги рельефи ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

морфометрик таҳлил ва чуқурлик сейсмик тадқиқотлари натижалари ўзаро бир-бирини тўлдириб, Ер пўстининг чуқурлик бўйича тузилишини тавсифлашда қўшимча белги бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Турон платформасининг шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структураларининг уланган соҳаларида аномалия ҳосил қилувчи объектлар аниқланган;

зилзила тўлқинларининг алмашинув усули ва геозичлик моделлаштириш маълумотларини комплекс интерпретациялаш усули яратилган;

Ер пўстининг сейсмогеологик қатламлари чегаралари ва чуқур ер ёриқлари аниқланган;

Турон платформасининг шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структуралари орасидаги зоналари чуқурлик тузилиши ҳақида янги

маълумотлар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги бир томондан худудни геозичлик моделлаштириш аниқ миқдорларда ифодаланганлиги, бошқа томондан зилзила тўлқинларининг алмашинув усули маълумотлари тўғри танланганлиги, уларнинг бурғилаш маълумотлари билан ўзаро қиёсланиб умумий чуқурлик нуқтаси усулида олинган сейсморазведка ишлари билан тасдиқлаш худудларда ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг кўп марта қайтарилиши асосида таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Турон платформасининг шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структуралари орасидаги зоналари чуқурлик тузилиши ҳақида сейсмологик профиллар қурилиб олинган янги маълумотлар асосида ер пўсти остининг аниқланилган чегаралари, палеозой қатламларнинг баҳоланган морфологияси ва аниқланилган табиати, ишлаб чиқилган геозичлик моделлар ва углеводород қатламлари шакилланишига олиб келувчи геологик структуралардаги мумкин бўлган жараёнларни прогноз қилиш бўйича эксперт тизимлари тўғрисидаги замонавий тасаввурларни аниқлаштириш ва умумлаштириш билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда бажарилган тадқиқотларда ишлаб чиқилган методологик ёндошувлар, зилзилалардаги тўлқинлар алмашиш усули билан сейсмогеологик кесимларни тезкор тузиш, чуқур структураларни оптимал аниқлаш, қидирув-сейсморазведка ишларини мақсадли ўтказиш, гео зичликларда моделлаштириш билан аномалия ҳосил қилувчи нефть ва газга истиқболли объектларни ажратиш самарадорлигини ошириш, аномал зич ёки зичлиги паст геологик таналарнинг чегараларини аниқлаштириш ва углеводород захираларини аниқлашга қаратилган чоратадбирларни ўз вақтида ўтказиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структураларининг ўтиш зоналари Ер пўстининг тузилишини геолого-геофизик моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структуралари орасидаги зоналарида Моҳорович юзаси, консолидациялашган Ер пўсти юзаси ҳамда палеозой пойдевори юзасининг чуқурликлари, ётиш характери, сейсмик тезликларини аниқлаш услублари «Ўзбекгеофизика» Акционерлик Жамияти амалиётига жорий қилинган (Давлат геология ва минерал ресурслар қумитасининг 2020 йили 26 февралдаги 06/01-сон маълумотномаси) Натижада Ўрта Сирдарё депрессияси ва Зарафшон ботиклигида нефть ва газконларини қидириш учун палеозой пойдевори юзаси чегаралари ҳамда рельефини аниқлаш имконини берган;

Ер пўстининг чуқурлик тузилиши ва геологик чегараларни аниқлашда геозичлик моделлаштириш ва алмашинган тўлқинлар бўйича маълумотларни комплекс таҳлиллаш усули «Ўзбекгеофизика» Акционерлик Жамияти амалиётига жорий қилинган (Давлат геология ва минерал ресурслар

кумитасининг 2020 йили 26 февралдаги 06/01-сон маълумотномаси) Натижада Зарафшон ботиқлиги ва Бухоро - Хива нефтгаздорлик вилоятининг жануби-шарқий қисмларидаги аномалия ҳосил қилувчи объектларни ажратиш имконини берган;

Янги углеводород конларини башоратлаш ва кидириш мақсадида регионал ишларни ҳудуднинг чуқурликдаги тузилишини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш бўйича тавсиялар «Ўзбекгеофизика» Акционерлик Жамияти амалиётига жорий қилинган (Давлат геология ва минерал ресурслар кумитасининг 2020 йили 26 февралдаги 06/01-сон маълумотномаси). Натижада регионал ишларни ҳудуднинг чуқурликдаги тузилишини ҳисобга олган ҳолда самарали оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган. Тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Турон платформаси ва Тянь-Шань ороғени орасидаги зоналар ер пўстининг геологик-геофизик ўрганилганлиги**» деб номланган биринчи бобида регионал геофизик ва аэрогеофизик усуллар, ҳамда чуқур бурғилаш ишлари натижалари таҳлил қилинган. Ҳудуднинг бугунги кундаги ўрганилганлик даражаси ёритилган.

Ўрганилаётган ҳудуд ўтган асрнинг 50-60 йилларида 1:200000 ва 1:500000 миқёсдаги гравиметрик ва магнитометрик хариталаш билан қопланган (В.Г. Воробьев, Л.Н. Котляревский, З.А. Макарова, И.А. Фузайлов ва бошқалар). Сўнгги йилларда мезозой давригача бўлган ётқизикларни ўрганиш ва фойдали қазилма конларини кидириш мақсадида баъзи чекланган майдонларда юқори аниқликдаги грави ва магнит кузатувлари ўтказилган.

Аэромагнит хариталаш маълумотлари И.А.Фузайлов (Ўзбекистон) ва Н.Я.Кунин (Қозоғистон) томонидан умумлаштирилиб, ягона (ΔТа) магнит майдон аномалияларининг 1:200000 миқёсдаги харитасида ўз аксини топган.

1952-1953 йй. Ўзбекистон худудида бир неча саноат аҳамиятига эга портлатишлар ўтказилиб, стационар ва вақтинчалик сейсмик станцияларда эпицентрал масофаси 770 км гача бўлган сейсмик ёзувлар қайд қилинди ҳамда Ер пўсти ва юқори мантиянинг биринчи тезлик кесимлари тузилди (В.И. Бунэ., Е.М. Бутовская, 1955 г.). Кейинги йилларда ушбу изланишлар давом эттирилиб, Ўрта Осиё Ер пўстининг чуқурликдаги умумий тузилиши, ҳамда «базальт» қатлами ва Мохоровичич чегараларининг структуравий схемаси тузилган (Крестников, Нерсов, 1962 г., Гамбурцев ва бошқалар, 1955 г., 1957 г., Косминская ва бошқалар, 1958 г., Уломов, 1966 г.).

В 1968 йилда Е.М.Бутовская ўзи яратган тезликлар майдони усули билан сейсмологик кузатувлар маълумотларини қайта ишлаб, Шарқий Ўзбекистон Ер пўстининг юпқа қатламлари структураларини аниқлади (Е.М. Бутовская ва бошқалар, 1971 г.).

Ю.Н.Годин раҳбарлигида 1958-1965 йилларда Ўрта Осиёнинг энг муфассал чуқур сейсмик зондлаш (ЧСЗ) маълумотлари олинди. Биринчи марта синган тўлқинлар усулининг (СТУ) бўйлама узлуксиз профиллаш ўтказилиб, профиль узунлиги 600 кмгача етди. Ўрганилаётган ҳудуд ва унинг атрофларида қуйидаги профиллар ўтказилган:

- Қорабекаул – Қўйтош профили, узунлиги 314 км бўлиб, годографнинг максимал узунлиги - 270 км гача (Б.С. Вольвовский ва И.С. Вольвовскийлар, 1959 й.);

- Фароб – Боботоғ профили, узунлиги 410 км бўлган, бунда қайтган тўлқинлар усули (ҚТУ) ва синган тўлқинларнинг корреляцион усули (СТКУ) кузатишлар тизими билан бирга олиб борилган (В.З.Рябой, Н.И.Давыдова ва бошқалар, 1964-1965 йй);

- Арис – Балхаш профили, узунлиги 523 км бўлиб, годограф узунлиги ҳам 523 кмни ташкил этган (И.К.Пушкарев ва бошқалар, 1965);


ЧСЗ- СТКУ ишлари натижалари бўйича қуйидагилар аниқланган:

- иккита регионал чегарани – пойдевор ва Мохоровичич («М» чегараси) кузатиш имконияти;

- Ўзбекистоннинг ғарбий ва шимоли-ғарбий қисмида Ер пўстининг калинлиги 30-35 кмдан, жанубий ва жануби-шарқий қисмида 75-85 км гача ошиб бориши; Курама-Фарғона ўрта массивида «М» чегарасининг ётиш чуқурлиги 40-42 км., Жанубий Тянь-Шань геосинклинал худудида 39-42 км., Қорақум-Тожиқ чеккаботиклигида «М» чегарасининг ётиши жануби-шарқ томонга 39 км. дан 46 км.гача ортиб боради. Ўрганилаётган худудда Мохо юзасининг гипсометрик чуқурлиги шимол ва шимоли-ғарб томонга камайиб боради.

Зилзилалардан тўлқинларининг алмашинув усули (ЗТАУ) Ўзбекистонда 26 апрель 1966 йилдаги Тошкент зилзиласини эпицентрал соҳасини ўрганишдан бошланди. Ўрта Осиё Ер пўстини ўрганиш дастурини бажариш борасида 1967-1968 йй. ларда бу усул билан Сох-Чордара профили ўтказилди

(1-расм). Кейинги йилларда ЗТАУ усули билан ишлар Тошкент олди худудини ўрганишда қўлланилди (Л.С. Шумилина, А.Ф. Митрофанова, Л.Я. Гольдвирт В.И. Рубайло ва бошқалар).



1-расм. Худуднинг геофизик ўрганилганлик схемаси

1988-1990 йилларда ЎЗРФА геология ва геофизика институти, ТошДУ ва «Ўзбекгеофизика» ГИЧБ Сариказган-Қорақир-Самарқанд II синф геотраверси билан қўшма профилини бажарди. Тажриба тартибида Қорабекаул – Қўйтош ЧСЗ профилининг 136 км. қисмида ишлар қайта ўтказилди. Олинган натижалар иккала усулда ҳам асосий тўлқинларнинг синиши ва алмашилини ҳосил қилувчи чегаралар бир-бирига мос келишини кўрсатди.

Дала ишлари натижалари бўйича тўлқинлар алмашилини ҳосил қилувчи асосий чегаралардан «М» чегараси ва палеозой пойдеворининг юзаси Ўрта Осиёнинг марказий қисмида барча жойларда намоён бўлади. Баъзи худудларда эса Ер пўстининг қолган чегаралари ҳам қайд қилинади.

Янги фойдали қазилма конларини аниқлаш истикболини билиш мақсадида Жанубий Ўзбекистоннинг фанерозойдаги геологик тузилиши ва эволюциясини геологик-геофизик маълумотлар бўйича нафақат тарқалиши, балки стратиграфик диапазонда ҳам ўрганиш лозим. Бу масаланинг ечими бутун ўрганилаётган худудда сейсморазведка ва геоморфологик изланишлар натижаларини комплекс қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Зилзилалардан тўлқинларининг алмашинув усули маълумотлари бўйича Турон платформаси ва Тянь-Шань ороғени ер пўстиқававларининг чуқурлик тузулиши**» деб номланувчи иккинчи бобида сейсмологик изланишлар натижалари акс эттирилган.


Турон платформаси шарқий қисми билан Тянь-Шань ороғени

структураларининг уланган соҳалари Ер пўстининг чуқурликдаги тузилишини ўрганиш учун жануби-шарқий Ўзбекистон худудида умумий узунлиги 730,5 км. бўлган учта ЗТАУ регионал профили ўтказилди:

Профиль I-I, Самарқанд-Сариказган геотраверси бўйлаб йўналган бўлиб, умумий узунлиги 228,8 кмни ташкил этган. Бу профилда 90 физик кузатувлар (75 кузатув нуқталари, 8 та чиқариш ва 7 та ёпиш пунктлари) амалга оширилган. Дала ишлари сейсмик станциялар жойини профиль бўйича ўзгартириш даврида 2013 йил 15 майдан 4 сентябргача охириги нуқтани ёпиш билан олиб борилди. Кузатув нуқталари орасидаги ўртача масофа $3,0 \pm 0,2$ кмни ташкил этди.


Профиль II-II, Ғузур-Шахрисабз-Самарқанд-Челак-Учкулоч йўналиши бўйлаб 261,8 км.гача чўзилган. Бу профилда 101 физик кузатувлар (84 кузатув нуқталари, 9 та чиқариш ва 8та ёпиш пунктлари) амалга оширилган. Дала ишлари сейсмик станцияларни жойини профиль бўйича ўзгартириш даврида 2012й. 05.06.дан 2013й. 12.04. гача охириги нуқтани ёпиш билан олиб борилди. Кузатув нуқталари орасидаги ўртача масофа $3,1 \pm 0,2$ км. ни ташкил этди.

ЗТАУ II-II профилида «М» чегараси барча пикетларда (ПК) қайд қилинди. Вақтли кесимнинг жануби-ғарбий қисмида ПК 0 (Ғузур) $\Delta t_{p-ps} = 6-5,8$ сек. ни ташкил қилиб, «М» чегараси сейсмогеологик кесимда 42 км (3-расм). чуқурликда ётишини кўрсатди. Шимоли-шарқ йўналишида «М» чегарасининг ётиш чуқурлиги ортиб борди ва ПК 25 (Китоб)да унинг чуқурлиги максимал бўлди ($\Delta t_{p-ps} = 6,3$ сек, $H = 45$ км). Тектоник жихатдан бу худуд Қашқадарё ботиклигининг шимолий қисмига тўғри келади. Вақтли ва чуқурлик кесимларида Бухоро-Ҳисор чуқур ер ёриғи яхши ифодаланди. Сўнг ПК 28-40 оралиғида (Зарафшон мегаантиклинорийси) «М» чегараси бироз кўтарилади ($\Delta t_{p-ps} = 6,0$ сек, $H = 40$ км). ПК 41 дан бошлаб профиль Зарафшон ботқлигини кесиб ўтади, бу ерда «М» чегараси яна чуқурлашади ($\Delta t_{p-ps} = 6,2$ сек, $H = 43$ км). Шимоли-шарқ томонга «М» чегараси аста чўкиб бориб, Шимолий Нурота тоғида максимал қийматга эга бўлади ($\Delta t_{p-ps} = 6,4$ сек, $H = 45$ км). Шунини таъкидлаш жоизки, агар Шимолий Нурота тоғи остида Ер пўсти қалинлашган бўлса, Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмида аксинча (2-расм).



2-расм. ЗТАУ II-II профиль бўйича сейсмогеологик кесим

Профиль III-III, Муборак-Ғузур-Бойсун йўналиши бўйлаб 239,9 км. ни ташкил этади. Бу профилда 91 физик кузатувлар (76 кузатув нуқталари, 8 та чиқариш ва 7та ёпиш пунктлари) амалга оширилган. Дала ишлари сейсмик станцияларни жойини профиль бўйича ўзгартириш даврида 2012 йил 21 апрелдан 15 августгача охириги нуқтани ёпиш билан олиб борилди. Кузатув нуқталари орасидаги ўртача масофа $3,1 \pm 0,2$ км. ни ташкил этди (3-расм).




3-расм. ЗТАУ III – III профиль бўйича сейсмогеологик кесим

Палеозой пойдевори юзасининг чегараси ҳам «М» чегараси каби вақтли кесимларда аниқ ажралди. Унинг чуқурлиги жануби-шарқий йўналишда аста-секин камайиб борди. Агар Бухоро поғонасида ПК 0 унинг ётиши $H = 3,2$ км $\Delta t_{p-ps} = 1,0$ сек бўлса, ПК 18 да Бухоро поғонасидан Чоржўй поғонасига ўтишда кескин ортди ва $H = 4$ км при $\Delta t_{p-ps} = 1,2$ сек. га етди. ПК 49 гача бу чегара сокин, деярли горизонтал ётиб, чуқурлиги 4 км.ни ташкил этди. Қораил-Лангар флексура ёриқли соҳани кесиб ўтиш билан пойдеворнинг ётиши чуқурлиги кўтарилиб, 2,5 км. га етгани кўринди. Сўнг жануби-шарқ томонга Жанубий Бойсун тоғига қараб кўтарилиб бориши ва $H = 0,2$ км. гача ётиши кузатилди.

Диссертациянинг «**Геозичлик кесимлари маълумотлари бўйича Турон платформасининг шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структураларининг уланган соҳалари Ер пўстининг петрологик таркиби**» номли учинчи бобида илгари ўтказилган гравиметрик изланишлар натижалари таҳлил қилиниб, ЧСЗ, СТКУ, ЗТАУ, бурғилаш ва бошқа геологик-геофизик маълумотлар ёрдамида геозичлик моделлари қурилди.

I-I профили (Бешёғоч-Самарқанд-Навоий-Дуль-дуль) бўйлаб Ер пўстининг тузилиши. Бу профиль Самарқанд-Сариказган геотраверсига мос келади. Геозичлик кесимнинг умумий тузилиши – қатламлашган-блокли бўлиб, бунда шартли равишда, уни юқори ва қуйи пўстга ажратиш мумкин (улар орасидаги чегара 20-22 км. чуқурликда ўтади) (4-расм).

«М» чегараси шарқ томонга 40 км. дан 43 км. гача пасайиб боради. Бу ерда биз томондан, Мохонинг ўтиш соҳаси ажратилди. Бу соҳанинг эффектив зичлиги $\sigma_{\phi} = 3,10$ г/см³ бўлиб, унинг қалинлиги шарқ томонга қараб 3,5 км.дан 5,0 км.гача ортади.




4-расм. I-I профили бўйича қурилган геозичлик модели

Умуман, юқори пўстнинг тузилиши (кристалл пойдевордан чуқурроқда) бир жинсли эмаслигини таъкидлаш керак. Бу ерда геоблокларнинг турлича горизонтал ўлчамлари 10÷50 км ва эффектив зичликлари $\sigma_{эф}=2,62-2,90 \text{ г/см}^3$ чегараларда кузатилади. Кесимнинг бу қисмида зичликнинг чуқурлик сари ортиш қоидаси амал қилмайди. Балки, аксинча, турли зичликдаги юқори ва паст (кўрилатган чуқурлик учун) блокларнинг навбатма-навбат қайтарилиши кузатилади.

Интерпретациялаш натижасида юқорироқда қалинлиги катта қатлам ажратилади. Профилнинг жанубида унинг чегараси 3-6 км чуқурликда ўтиб, аста-секин Учбош-Қарши флексура ёриқлар соҳаси (УҚФЁ) томонига чўкиб боради ва 8 км. га етади. Профилнинг марказида УҚФЁ нинг шимолий чегарасидан профилнинг охиригача ўрта қатламнинг чегараси шимолга қараб 5 км.дан ер юзасигача аста кўтарилади ($\sigma_{эф}=2,65-2,70 \text{ г/см}^3$). Ушбу горизонт учун зичликлар $\sigma_{эф}=2,65$ дан $\sigma_{эф}=2,77 \text{ г/см}^3$ гача ўзгаради. Мана шу горизонтда бир нечта аномал объектлар ажратилди. Улардан бири Бойсунтауни жанубий қисмида 8-12 км. чуқурликда жойлашган бўлиб, зичликлари аномал паст $\sigma_{эф}=2,56 \text{ г/см}^3$, нотўғри шаклдаги ўлчамлари 10 км.ни ташкил этувчи объект шаклида намоён бўлган (5-расм).

Бошқа объект УҚФЁ соҳасининг ичида зичлиги $\sigma_{эф}=2,82 \text{ г/см}^3$ аномал юқори бўлиб, 5 км.дан 10 км.гача чуқурликда ётади ва унинг ҳам ўлчамлари тахминан 10 км.ни ташкил этади. Профилнинг марказий қисмида (Гобдунтау ва Зарафшон ботиқлиги) 7-14 км чуқурликда, зичликлари аномал паст

бўлган $\sigma_{\text{эф}}=2,68 \text{ г/см}^3$ шимол томонга профилнинг охиригача чўзилган объект ётади.



5-расм. II – II профиль бўйича қурилган геозичлик модели


Унинг устидаги қатламларда зичлик $\sigma_{\text{эф}}=2,75 \text{ г/см}^3$, остидаги қатламларнинг зичлиги эса $\sigma_{\text{эф}}=2,87 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Геоморфологик таҳлил ва космодешифрлаш усуллари бўйича Турон платформасининг шарқий қисми билан Тянь-Шань орогени структураларининг уланган соҳалари Ер пўстининг юқори қисмининг ёриқли-блоккли тузилиши**» деб номланган тўртинчи бобда худуднинг структуравий-тектоник хусусиятлари таҳлили натижалари келтирилган.

Геоморфологик таҳлил субкенглик йўналишидаги Сангардак, Искандардарё, Зарафшон ва Сангзор дарёлари бўйлаб чўзилган ер ёриқлари тизими Хисор-Туркистон блокини бир нечта тектоник сегментга: Бойсун, Хисор, Зарафшон, Туркистон ва Морғузорга бўлинишини кўрсатди.

Бойсун сегменти шу номли жануби-ғарбий йўналишдаги тоғлар тизмасидан ташкил топиб, шимолий томондан Хисор сегменти, шарқ ва ғарб томондан аллювиал-деллювиал тоғ жинслари шлейфи билан ўралган (6-расм).

Хисор сегменти ясси тоғ кўринишидаги структура бўлиб, унинг учун рельефнинг кенглик бўйича бурмаланиши характерли. Сегментнинг олди ва орқа қисмлари жанубда Сурхондарё ва Сангардак дарёси водийлари, шимолда эса Ягноб ва Искандардарё билан чегараланган. Хисор тизмасининг жанубий ён бағирлари тармоқланган дарёлар тўри билан қопланган, бу умумий манзарага зид келади. Худди шундай, сегментнинг орқа томони ва шимолий чеккаси деформациялари ҳам умумий тасаввурга тўғри келмайди.



1 – дарёлар ўзанлари, 2 – сув айирғичлар ўқи, 3 – янги фаол ер ёриқлари, 4 – тик қояларнинг камари, 5 – тоғларнинг қолдиқлари.

6–расм. Бойсун сегментининг структуравий-тектоник схемаси

Зарафшон сегменти Хисор-Туркистон блокнинг марказий қисмини эгаллайди. Жанубда бу сегмент Хисор сегменти билан, шимолда эса Туркистон сегменти билан чегараланади. Туркистон ва Зарафшон сегментлари бир-биридан Зарафшон дарёси билан ажралган. Бу сегментнинг ўзи меридионал йўналишли Фандарё, Шинг ва бошқа дарёлар водийсининг алоҳида тизими бўйлаб мураккаблашган. Натижада Зарафшон тизмасининг ўқи узлуксизликдан маҳрум бўлган.

Туркистон сегменти ҳам Хисор-Туркистон блокнинг чеккасида жойлашган. Сегментнинг сувайирғич ўқи шарқдан ғарб томонга аста пасайиб боради. Балангликларнинг фарқи 1700-1800 м.ни ташкил этади. Сегмент юзаси шимоли-ғарбга қияликда ётади.

Моргузор сегменти бир тарафдан Туркистон сегментига ўхшаш, лекин унинг ўзига хос тузилиши бўлиб, сегментнинг юзаси шимоли-ғарб томонга қияликда ётади. Унинг ҳам сувайирғичи шарқдан ғарбга томон аста пасайиб боради.

Юқорида кўрсатилган сегментлар фақатгина алоҳида секторларга бўлиниб қолмай, балки ҳар бири алоҳида тектоник структура ва улар ўзларининг бошланғич тузилишини такрорлайди ҳамда унинг кичиклаштирилган нусхасидир.

Зирабулоқ-Нурота блоки шарқ томондан Хисор-Туркистон ва ғарбда Қизилқум блоклари билан чегараланган. Блокнинг олди юзаси Хисор-Туркистон блокдан фарқли ўлароқ шимолга йўналган. Тоғолди ботиклигининг ўқи Айдар ботиклиги ўқи билан мос келади. Блокнинг орқа

томони Амударё водийси билан чегараланган.

Зирабулоқ-Нурота блоки тузилишида Шимолий Нурота, Актау, Зирабулоқ-Зиёвутдин сегментлари қатнашади.

Шимолий Нурота сегменти трапецияга ўхшаш бўлиб, экстремал нуқталар билан чегараланган («а», «в», «с», «d»). Шўъба тизимлар Қорасув, Қўшробот ва Бигляр секторларидан тузиган.

Кузатувлар Жанубий Тянь-Шань икки қитъанинг тўқнашуви (тектоник коллизия) натижасида ҳосил бўлганлигини кўрсатади. Бунинг исботи худуднинг юқори тектоник ва сейсмик фаоллигидир. Бу факт умумий қарашларга мос келади ва ЎзМУнинг геология ва геоинформацион тизимлар факультети ходимлари изланишлари натижасига ҳам тўғри келади.

Маълумки, Жанубий Тянь-Шань деганда, шарқдан ғарбга қараб йўналган Туркистон-Олой, Зарафшон ва Хисор тоғ тизмалари тушунилади. Бу тизимнинг морфологик ўқи шимолда Зарафшон дарёси водийси билан, жанубда Ягноб, Искандардарё ва Қашқадарё назорат қилувчи тоғлараро водий билан чегараланган.

Тянь-Шань ва унинг шўъба тизимлари учун таянч сатҳларнинг турли ёшдагилиги ва ер ёриқлари натижасидаги рельефнинг ассиметрик ва қаватли тузилиши характерли.

Структуравий-тектоник нуқтаи назардан таҳлил қилинаётган майдон Ачи-Сангардак ва Қўшробот-Зарафшон блокларини ўз ичига олади. Ачи-Сангардак блоки шимолдан Жанубий Тянь-Шань чуқур ер ёриғи ва жанубдан Бухоро-Хисор чуқур ер ёриқлари билан чегараланиб, Турк-Моргузор, Турк-Гуралаш, Чимтарга-Зарафшон ва Хисор-Сангардак структураларидан таркиб топган. Турк-Моргузор структураси ёки Моргузор тоғи энг юқори нуқтаси.

